



ФАТВО ВА УНИНГ ТАРИХИ

Халилов Шавкатжон Баҳром ўғли

Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси Таянч Докторанти


Фикҳ илми барча исломий илмлар орасида қамрови кенг ва дақиқ илм саналади. Чунки, фикҳ илмини ўрганиш учун бир тарафдан Қуръон, улу мул Қуръон, ҳадис ва унга тегишли илмлар, саҳобаларнинг сўзлари, имомларнинг кўрсатмалари, фуқаҳоларнинг ижтиҳодлари, жузъий ва фаръий масалаларнинг нозик фарқларига, рожих ва маржухга кенг назар солиш, қолаверса, умматнинг воқеъликдаги заруриятларини идрок этиш, замонанинг ҳолатларини мукамал англаш ва диний масалалардаги ҳолатларнинг ўзгаришини уммат мижози ва дин руҳиятини мулоҳаза қилган ҳолда, татбиқ этиш учун пухта моҳирлик талаб этилади. Бошқа бир жиҳатдан, фикҳ таҳорат ва назофатнинг жузъий масалаларидан тортиб, ибодат, муомалот, муошарот, одоб-ахлоқ ҳамда ҳалол, ҳаром ва мубоҳга тегишли бўлган барча масалаларни ўз ичига олади.

Фикҳга моҳир бўлиш учун, умумий ҳолда, барча исломий илмларга ўта моҳир бўлиш талаб этилади. Чунки, ҳар замоннинг ҳар турли масалаларига шаръий ечим тақдим қилиш фақиҳларнинггина вазифаси саналади. Бу ишлар на муфассир, на муҳаддис, на муаррих ва на сийратшуноснинг вазифасидир. Бу иш фақат фақиҳнинг зиммасидаги вазифа бўлиб, қолган соҳа вакиллариининг барчаси унинг ёрдамчи ва кўмакчилари саналадилар. Чунончи, ҳар бир муфассир ҳамда муҳаддиснинг фақиҳ бўлиши шарт қилинмайди. Бундай вақтда фақиҳ гоҳо муфассир, гоҳо муҳаддис, гоҳо муаррих ва гоҳо сийратшунос бўлишига тўғри келади.

Зеро, фатвонинг кўлами фикҳга нисбатан янада зиёда ва кенгдир. Чунки, иймон, ақоид, фирқалар, тарих, Пайғамбар алайҳиссалом сийратлари, саҳобалар сийратлари, тасаввуф, сулук, ахлоқ-одоб, ҳуқуқ, ибодат, муомалот, сиёсат, муошарот, олдинги ва янги масалаларнинг ечими; усулий ва фаръий масалаларнинг шарҳ ва татбиқлари ҳамда улардан бошқа барчаси фатвонинг шўъбалари ва остига кирувчи тармоқлари саналади. Шу туфайли муфтий юқоридаги шўъбалар ва масалаларни пухта билмай туриб, ўз зиммасидаги вазифасини тўқис адо эта олмайди. Ваҳоланки, муфтий баъзан ислом уммати ҳаётида юзага келган мушкулликларда енгилликлар пайдо қилиш учун шарият қонунлари борасида фикр юритиб, юмшоқ табиатлик бўлиши, баъзан эса, шариятнинг мижозини муҳофаза этиб, шариятга хилоф йўл тутувчиларга қаттиққўл бўлишига ҳам тўғри келади.

Фатво луғатда шаръий ёки шаръий бўлмаган бирор саволга жавоб бериш маъносини англатади.

Лекин, бошқа ўринларда фатво лафзи шаръий ҳукми маълум қилиш учун хосланади. Яъни, бирор шаръий масалага жавоб беришга фатво дейилди.





Фатвонинг истилоҳий маъноси эса, шаръий далилларнинг тақозосига кўра бирор бир диний масала борасида бирор ҳолатга тушган кимса учун Аллоҳ таолонинг ҳукми ҳақида хабар беришдир. Аммо, фатво умумий тарзда берилади, мажбурлаш жиҳатига кўра эмас (*Ал-Мисбаҳ фий росмил муфтий ва манаҳижул ифто*).

Аллома Мунаввий раҳимахуллоҳ айтади: “Фатво бериш – бу масаланинг ҳукмини баён қилишдир”.

Имом Замахшарий раҳимахуллоҳ “Кашшоф” китобида шундай деган: “Фатво бирор ҳодиса ҳақида жавоб беришдир. Фатво сўзи *فتى* сўзидан истиора йўлига кўра олинган” (*Файзул қодир алаал Жомиъус сағир*).

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам замоналарида у зотнинг ўзлари инсонлар ва жинларнинг муфтийси эдилар. Фатво бериш вазифаси ҳам у зотнинг мансаблари остида эди. Ваҳий воситасида Аллоҳ таоло тарафидан фатво берар эдилар ҳамда у зотнинг фатволари пур маъно сўзлардан иборат бўлган. Шунингдек, ҳазрат Набий алайҳиссаломнинг берган фатволари, яъни ҳадиси шарифлар исломнинг иккинчи асосий манбаси ҳам саналади. Мусулмон киши у зотнинг муборак суннатларига эргашмоғи шаръий эътибордан талаб этилади. Чунки Аллоҳ таолонинг ўзи бу борада қуйидагича кўрсатма берган:

“Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглари ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар” (*Ҳашр сураси, 7-оят*).

“Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз,...уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг” (*Нисо сураси, 59-оят*).

Шунингдек, муфтийлар имоми, оламлар Раббисининг элчиси, Пайғамбарларнинг сўнгиси бўлган зот фатво бериш мансабига сазовор бўлдилар. Зеро, у зот рисолат тақозоси туфайли мана шу улкан вазифани адо этдилар. Чунки фатво бериш инсонларга аҳкомларни баён қилишнинг бир кўриниши бўлиб, бу нарса ўз ўрнида пайғамбарларнинг вазифаларидан саналади (*Ал-ифто ва маканатуҳу фий шариятул исломия*)

Бу хусусда Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

“Ва сенга одамларга нозил қилинган нарсани баён қилиб беришинг учун Зикрни нозил қилдик. Шоядки, тафаккур қилсалар” (*Наҳл сураси, 44-оят*).

Набий алайҳиссалом замонида бирор бошқа шахс фатво бермасди. Лекин, у зот баъзида саҳобайи киромларни узоқ ўлкаларга муфтий қилиб юборардилар. Шунда ўша саҳобийнинг зиммасига фатво ва қазо ишлари юклатиларди ҳамда улар инсонларга тўғрилиқ билан раҳнамолик қилардилар. Чунончи, Пайғамбар алайҳиссалом Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳуни Яманга қози қилиб юборадилар ва у кишига Қуръон, ҳадис, қиёс ва ижтиҳод воситаси билан фатво беришга ижозат бердилар.

Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишини Яманга юбораётганларида шундай дейдилар:





- “Агар сенга бирор ҳодиса дуч келса қандай ҳукм қиласан?” У киши:
- “Аллоҳнинг китоби билан ҳукм қиламан”, - деди.
- “Аллоҳнинг китобидан тополмасангчи?”
- “Расулуллоҳнинг суннатлари билан”.
- “Расулуллоҳнинг суннатларидан ҳам тополмасангчи?”
- “Фикрим билан ижтиҳод қиламан”.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз разияллоҳу анҳунинг кўксига муборак қўлларини қўйиб: **“Расулуллоҳнинг элчисини у киши рози бўладиган ишга муваффақ қилган Зотга ҳамдлар бўлсин”**, - дедилар (*Имом Термизий, Абу Довуд ва Доримий ривояти, “Мишкотул масобиҳ”*).

Мулла Али Қорий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Муоз разияллоҳу анҳунинг фикрим билан ижтиҳод қиламан деган гапининг маъноси, юзага келган масалани насс (матн)да келган масалаларга қиёс қилиб ҳукм чиқараман, деганидир”.

Хаттобий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Муоз разияллоҳу анҳу бу гапи билан хаёлига келган ҳар қандай ўй билан ҳукм қилишни назарда тутмаган. Балки масалани Китоб ва суннатга қиёс қилиш йўлини ирода қилган. Бу ўринда қиёс билан ҳукм қилиш собит эканига ишора бор”.

Мазҳар раҳимаҳуллоҳ айтади: “Муоз разияллоҳу анҳу бу сўзлари билан шундай демоқчи бўлган: “Мен у борасида юзага келган масала ҳамда Қуръон ва суннатда далили келган масала ўртасида ўхшашлик топсам. Унга ўша далиллар билан ҳукм қиламан”.

“Расулуллоҳнинг элчисини у киши рози бўладиган ишга муваффақ қилган Зотга ҳамдлар бўлсин” жумласи ҳақида Тибий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Бу ўринда Набий алайҳиссалом тарафларидан Муоз разияллоҳу анҳунинг ўз фикрини ишлатиб ҳукм қилишини маъқуллаш бордир. Бу нарса уламоларнинг “ҳар мужтаҳид тўғри топувчидир” қабилидаги гапларининг айни маъноси саналади” (*Мирқотул мафотих*).

Пайғамбар алайҳиссалом фатво воситасида мусулмонларнинг ҳар бир ишларида, яъни ибодат, муомалот, ахлоқ-одоб ва мушаротларнинг барчасида ҳақиқий раҳнамолик қилдилар. Ҳар ишда Пайғамбар алайҳиссаломнинг фатво ва иршодлари мавжуд бўлиб, у зот мусулмонлар учун саодат йўлининг машъаласидирлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан сўнг фатво бериш вазифасини саҳобайи киромлар адо этдилар ва уни гўзал тарзда амалга оширдилар. У зотлар орасида фатво берадиганлари 130 дан зиёд бўлиб, уларнинг ичида аёллар ҳам бўлган. Бу 130 нафар саҳобийдан етти нафари энг кўп фатво бергандир. Улар: Умар ибн Ҳаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша бинти Абу Бакр, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумлар (*Усулул ифто*).





Бу етти саҳобийдан ташқари бир қанча саҳобийлар ҳам фатво берганлар. Улар қуйидагилардир: Абу Бакр Сиддиқ, Умму Салама, Анас ибн Молик, Абу Саъид Худрий, Усмон ибн Аффон, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Абу Мусо Ашъарий, Саъд ибн Абу Ваққос, Салмон Форсий, Жобир ибн Абдуллоҳ, Муоз ибн Жабал, Толҳа, Зубайр, Абдурроҳман ибн Авф, Имрон ибн Ҳусайн, Абу Бакра, Убода ибн Сомит, Муовия ибн Абу Суфён разияллоху анхумлар.

Таълим, тарбия, фикҳ ва фатвонинг силсиласи саҳобалар давридан сўнг тўхтаб қолмади. Балки, унинг масълиятини у зотларнинг шогирдлари муносиб йўл билан адо этдилар ҳамда жону диллари билан бу меросни муҳофаза қилиб, келгуси авлодларга қандай бўлса шундай етказдилар.

Асҳоби киромлар замонасида Ҳақ таолонинг фазли билан жуда кўп фатҳларга эришилди. Шу туфайли тобеинлар турли исломий ўлкаларда мустақкам тарзда дин хизматини адо этардилар. Аксар ислом шаҳарларида шу каби зотлар истиқомат қилиб, инсонларга раҳнамолик қилардилар. Масалан, Мадинаи мунавварада Саъид ибн Мусаййиб, Абу Салама ибн Абдурраҳмон ибн Авф, Урва ибн Зубайр, Убайдуллоҳ, Қосим ибн Муҳаммад, Сулаймон ибн Ясор, Хорижа ибн Зайд роҳимахуллоҳлар хизматда бўлганлар. Уларни “Мадинанинг етти фақиҳи” деб ҳам атаганлар.

Баъзи уламолар Абу Салама ибн Абдурраҳмон ибн Авфнинг ўринларига Абу Бакр ибн Ҳорис ибн Ҳишом раҳимахуллоҳни қўядилар. Бу фақиҳларнинг исмларини бир шоир ўз шеърисида қуйидагича жамлаб келтиради:

Огоҳ бўлинг, ҳар ким имомларга эргашмаса

Унинг оқибати нохайрдир ва у ҳақ йўлдан чиққандир.

Уларни билгин: Убайдуллоҳ, Урва, Қосим,

Саъид, Абу Бакр, Сулаймон, Хорижа.

Маккаи мукаррамада Ато ибн Абу Рабоҳ, Али ибн Абу Толҳа, Абдулмолик ибн Журайж раҳимахуллоҳлар мана шу ишга бел боғлаганлар. Куфада Иброҳим ибн Нахайй ибн Сулаймон, Омир ибн Шураҳил, Алқама, Шаъбий, Саъид ва Мурра Ҳамадоний, Басрада Ҳасан Басрий, Яманда Товус ибн Кайсон, Шомда Макхул, Абу Идрис Ҳовланий, Шураҳбил ибн Самт, Абдуллоҳ ибн Абу Закариё Ҳузаъий, Қобиса ибн Абу Зувайб Ҳузаъий, Абд ибн Умайя, Сулаймон ибн Ҳабиб Маҳарибий, Ҳорис ибн Умайр Забидий, Холид ибн Маъдан, Абдурраҳмон ибн Ғунм Ашъарий, Жубайр ибн Нуфайр, Абдурраҳмон ибн Жубайр ибн Нуфайр, Умар ибн Абдулазиз, Ражо ибн Ҳайва раҳимахуллоҳлар ҳам фатво ишига машғул бўлганлар. Уларнинг кўплаб фатволари “Муватто”, сунан, муснад ва бошқаларда мавжуддир.

